



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нарҳда сотилади

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

УЛАР ЮРТ ҲИМОЯСИГА ҲАМИША ШАЙ

Мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллигини кенг нишонлашга жойларда қизгин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.



Куни кеча ҳарбий қисм аскарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакиллари, аскар оналари иштирок этдилар.



Сўзга чиққан расмий вакиллар йиғилганларни Куролли Кучларимиз ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан муборакбод этишти. Шунингдек, давлатимиз мудофиа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган бир қатор офицер ва оддий аскарлар

фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди. Ҳарбий қисмга «Roison» рангли телевизори тақдим этилди. Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари тўқтин дустурхон атрофида хушовоз санъаткорлар ҳамда ҳарбий қисм аскарларининг бадиий чиқишларидан баҳраманд бўлишти.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: аскарлар машғулота; матбуот учун интервью.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар:

Ўзбекистон – кўп миллатли диёр. Табиийки, кўп миллатли давлатнинг ижтимоий-сиёсий тарққиёти ва истиқболли миллатлараро барқарорлик ва баҳамжихатлик билан узвий боғлиқ бўлади.

БАЙРАМОЛДИ АНЖУМАНИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Президентимиз ташаббуслари билан Республика байналминал маркази ташкил этилган эди. Утган давр мобайнида марказ ўзига 130 дан зиёд миллат ва эллат вакиллари бирлаштириб, қатор миллий маданият марказлари раҳбарлари иштирок этишти.

Кеча Республика байналминал маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда бир қатор миллий маданият марказлари раҳбарлари иштирок этишти.

Республика байналминал маркази директори Насриддин Муҳаммадиев журналистларни байрамолиди тайёргарлик ишлари билан таништирди, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.
Савд ҲАСАНОВ.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Айни кунларда Ватан ҳимоячилари куни ва Куролли Кучларимизнинг 15 йиллигига бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилаётган тадбирларда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳарбийлик касбининг нуфузидини янада кўтаришга бағишланган асарлари кенг ўрганилмоқда.

Ўзбекистон мудофасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши томонидан Бекободда ўтказилган тадбирда ёшларга давлатимиз раҳбарининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берилди. Унда иштирок этган ўқувчи ва талабалар Куролли Кучларимиз ҳаётини акс эттирувчи фотокўргазма билан таништи.

Чирчқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида эса бўлажак офицерлар билан «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида тахсил олаётган курсантлар ўртасида спортнинг ўқ отиш, югуриш, тош кўтариш каби турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Фойлибар муносиб тақдирланди.

Ўза.

Сўраган эдингиз

УЙ ОЛИШ УЧУН ИМКОНИАТ

Ер участкамиз бор. Аммо қурилиш бошлаш учун кўлимиз калталиқ қилаяпти. Яқинда «Ипотека банк» томонидан уй-жой сотиб олишга кредит берилаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Бироқ бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмаслигим учун кимга мурожаат қилишим ва бунинг учун қандай ҳужжатлар зарурлигини билолмаяпман. Шу ҳақда газетда батафсил маълумот берсангиз.

Сайиджон КАБИРОВ, Янгийўл шаҳри.

Тахририятга юқоридеги каби уй-жой олди-сотдиши ва бунинг учун банklar беррадиган кредит масалалари билан боғлиқ кўплаб мактублар қолди. Уларга жавоб тарзида акциядорлик тижорат «Ипотека банк» вилоят бўлими бошқарувчиси Музаффар Эрматов билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ипотека банк»нинг асосий фаолияти мақсад ва вазифалари нимадандир?

— Маълумки, акциядорлик тижорат «Ипотека банк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил

16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳамда «Замин» банкларининг бирлаштирилиши асосида ташкил топган. Банк зиммасига яқна тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли ҳамда узок муддатли кредит бериш тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу кредит турини ривожлантиришга хорижий, халқара ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ва грантларини жалб қилиш юкланган. Бундан

ташқари республика ҳудудида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланиши таъминлайдиган филиал шохобчаларини ривожлантириш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш ҳам банк фаолиятининг асосий турларидан биридир.

— Юқоридеги эдингиз санаб ўтган миждозларга ажратиладиган кредитлар учун молиявий асос яратилганми?

— Ҳа, албатта. Бунинг учун Президентимизнинг «Ипотека кредитини беришни кўллаб-қувватлаш ҳамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Жамғарма фаолияти доирасида кредит беришни ривожлантириш учун юқори-

да айтиб ўтганимиз халқара ва хорижий молия институтларининг узок муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантлари ва бошқа манбаларни жалб этиш кўзда тутилган. Миждозлар кредит беришда иштирок этадиган «Ипотека банк» ва бошқа банклардан ҳисоб рақамлари очишлари шарт. Шунингдек, жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ҳам олиб борилди.

(Давоми 2-бетда).

БОЛАЛАР СПОРТИГА ҲАМҲЎРЛИК

нафақат мутасадди идора ва ташкилотлар, балки барча иқтисодий-ижтимоий тузилмалар, тадбиркор ва бошқа ҳимоячиларнинг устувор вазифаларидан биридир

Республика Президентининг «2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектилари қурилиши-реконструкция тўғрисида»ги қарори спорт мажмуалари тизимини тубдан яхшилашнинг истиқболли йўллари билан белгилаб берди.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилашнинг истиқболли йўллари билан белгилаб берди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилашнинг истиқболли йўллари билан белгилаб берди.

Жумладан вилоятимизда болалар спорт мажмуалари кескин кўпайди. Шу кунгача жами 31 та ана шундай мажмуа қуриб фойдаланишга топширилди. Хозирги кунда 33 та болалар ва ўсирилар спорт мактаби, битта спорт мактаб-интернати, 50 та ўйингоҳ, 624 та спорт зали, 16

та сузиш хавзаси, 38 та теннис корти, шунингдек, 3129 та баскетбол, 994 та волейбол, 359 та кўл тўпи, 664 та футбол, 362 та минифутбол, 24 та энгил атлетика майдонлари фаолият юритмоқда.

Президентнинг янги қароридан биринчи навбатда кишлоқ жойларда аҳолининг зичлиги ва спорт билан шуғулланишга жалб этиладиган болалар сонини эътиборга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий болалар спорт мажмуалари тармоқини барпо этиш ва замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан ўз вақтида жиҳозлаш назарда тутилган. Шунингдек, ижтимоий мададга муҳтож оилалар фарзандларини оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт формалари ва жиҳозлари харид қилиш мўлжалланган.

2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектилари қурилишининг манзили аниқ дастури амалга ошириш нафақат ҳокимият идораларининг, балки жамиятдаги барча ижтимоий-иқтисодий ҳўжалик тузилмалари, бюджет, молия ташкилотлари, тадбиркорлик ҳаракати вакиллари устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу жараён пировардида катта-кичи шаҳарларда ҳам, олис-яқин кишлоқларда ҳам фарзандларимиз мукамал жиҳозланган, замонавий спорт мажмуалари мунтазам шуғулланишлари учун янги иншоотларнинг мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуришга асос яратди.


Ўтабек ЭЛТОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Ҳайрат

САККИЗ ОЙДАН КЕЙИН УЙҒОНИШДИМИ?

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 3 май сониде чоп этилган «Тезроқ уйгон, Оҳангарон» сарлавҳали мақолага олинган расмий жавоб хусусида

Одатда газетамизда бирор танқидий мақола чиқса, ҳафта ўтмай, мутасадди ташкилот ва идора раҳбарларидан унинг муҳокаması, кўрсатилган камчиликлари ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида расмий жавоб олишга кўникиб қолганмиз. Юқоридеги номи эсланган, Оҳангарон туманидаги коммунал тўловлар билан боғлиқ қардорликнинг ўсиб бораётгани тахлил қилинган мақолага ҳам шундай муносабатда бўлнади, деб умид қилдик. Афсуски, Оҳангарон туманидаги мутасаддилар га-




зета чиқишига бефарқ қарашиб ёки тахририятга жавоб йўллашни ўзларига эп кўришмади.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСИБ СОВҒА

2007 йил Паркент тумани Сўқоқ кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Улугбек маҳалласи аҳлига илк тўхфани тақдим этди.

Маҳаллий аҳоли кўп йиллардан буён тоза ичимлик суви таъминлигидан қийналарди. Энди бу муаммо бартараф этилди. 3 километр узунликда ичимлик суви тармоғи тортиб келинди. Бу ишда Маҳаммадали Маҳмадуллоев, Кўшон Эргашев ва Нуриддин Тўлаев сингла-



ри ҳимоячилар катта ҳисса қўшдилар. **Феруза ТУРАЕВА.**

КОЛЛЕЖ ЯНГИ БИНОДА

Олмалик шаҳрида яна бир ҳашаматли ўқув муассасаси фойдаланишга топширилди.



Бу кўркем бино Олмалик тиббиёт касбхона коллежи ўқувчиларига Янги йил совғаси бўлди. Энди коллеж мус-

тахкам ўқув-моддий негизга эга бўлди. Компьютер хоналари, ўқув лабораториялари очилди. Шунингдек, яқин орада магнитостат хоналари ишга тушади. 1242 ўқувчини ўз бағрига олган бу даргоҳда спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун кулайликлар муҳайё қилинган.

ҒОЛИБ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2006» республика танловида Ғолиб деб топилган адабиётлар ва уларнинг муаллифлари рўйхати эълон қилинди.

Бакалаврият ҳамда магистратура йўналиши, ўрта махсус, касбхона таълими учун энг яхши дарслик номинациялари бўйича ўтказилган танловда аграр соҳага доир ўқув адабиётларидан бир нечтаси муқофоланди.



деб номланган ўқув адабиётлари бор. Тошкент ирригация ва мелиорация институти тақдим этган «Ер тузишни лойиҳалаш» номи қўлланма ҳам совринли ўрин билан тақдирланди. **Акбар АЛИЕВ.**

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns representing TV channels: ДУШАНБА 8, СЕШАНБА 9, ЧОРШАНБА 10, ПАЙШАНБА 11, ЖУМА 12, ШАНБА 13, ЯКШАНБА 14. Each column lists program titles and times for various channels like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, and TOШКЕНТ.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлимлари ва почтабонлар томонидан 2006 йил декабрь ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган. Ўтган йилнинг декабрь ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 11 ноябрдаги 274-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг Тошкент филиалига қарашли шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида, почта алоқа бўлимларида ва почта ходимларида электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик манбаи, телекоммуникация (телефон алоқаси хизматлари) ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Почта ходимлари ушбу хизматни кўрсатишга рухсат берадиган шахсини тасдиқловчи хизмат гувоҳномалари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсат этган 47-шакл қвтанция расмийлаштириб беришини талаб қилинг. Бу борада қвтанция нусха кўчириш қоғози орқали 2 нусхада ёзилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Коммунал хизматлар учун амалдаги қондаларда белгиланган мuddатларда ҳақ тўламаган ми- жозлар тўрисидаги рўйхат асосан имзоланган амалдаги шартномаларга асосан тегишли корхоналарга маълумот учун ҳар куни тақдим этилади. Диққат! Қарздорлик учун узиб қўйилган газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик манбаи, телекоммуникация ва бошқаларни улаб бериш учун амалдаги тарифларга (прейскурантларга) асосан қўшимча ҳақ олиниши белгиланган. Муҳтарам юртдошлар! Почта ходимлари таклиф қилаётган қулайликлардан фойдаланинг ва коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширинг.

Тошкент вилояти корхоналари, ташкилотлари раҳбарлари ва барча аҳоли диққатига! Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси корхоналар, ташкилотлар ва барча аҳоли эътиборига шуни маълум қиладикки, Тошкент вилояти молия бошқармаси томонидан 2007 йил 3 январда тасдиқланган ТВ-1-2006/1 рақамли реестрга биноан 2007 йил 20 январдан бошлаб, иситиш ва иссиқ сув учун қуйидаги ойлик тарифлар жорий этилади: Улгуржи истеъмолчилар учун: - 1 Гкал учун ҚҚСиз 12435 сўм; Аҳоли учун: - марказий иситиш учун - ҳар 1 кв.м. тураржой учун - 208 сўм; - иссиқ сув учун бир кишига - ойига 1944 сўм. Иссиқ сувни ҳисобга олиш прибори бўлганида: - иссиқ сувни меъёрий истеъмоли учун - 1 куб м.га - 444 сўм; - иссиқ сув меъёридан ортиқ истеъмол қилинганида - 1 куб м. учун - 486 сўм.

